Ижод билан мунтазам шуғулланмоқда

# БЎЁҚЛАРДА АКС ЭТГАН КЎНГИЛ







Унинг устахонаси талабалар ётоқхонасининг биринчи қаватида жойлашган. Ҳар гал кирганимда у ниманидир чизиб ёки хаёл суриб ўтирган бўлади. Ёш рассом Чоршанба Шамсиев доим изланишда. Тинмай суратлар чизади. Чизган расмларидан гоҳида қониқади, гоҳида эса йўқ... Лекин, барибир чизаверади, чунки суратлар, манзарали кўринишлар унинг ҳаёти мазмунига айланиб бўлган.

Устахона деворларига осилган расмларга тикиламан. Мана, менга анчадан буён таниш "Сумбул сочларини тараб турган қиз" деб номланувчи расм. Бир қараганда фариштани эслатади. Суратдаги қиз, рассом орзусидаги фаришта бўлса, не ажаб. Одамлар орасида "Ижодкор аҳли ернинг одамлари эмас", деган илмоқли гап юради. Бу шунчаки айтилмагандир.

Чоршанба айни пайтда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида ўқийди. Асли Қамашининг Қўшкўл қишлоғида туғилиб вояга етган Чоршанба талабаликнинг барча синовларини енгиб, ижод билан мунтазам шуғулланмоқда.

Камолиддин МИНГБОЕВ

YOSHLAR IJODI

# ОЙ ТЎКИЛАДИ ОЙДАН

### БАҲОР КЕЛСА

Баҳор келса
Гуллар очилса,
Кўм-кўк бўлса,
Қиру-адирлар,
Гўё бўлса,
Қирмиз пиёла
Тоғлардаги
Қип-қизил лола.
Етиб келса
Наврўзи олам,
Ҳамма дилда
Шодлик бир олам.
Учиб келса
Қушлар жанубдан,
Қувноқ ёшлар
Бўлса бохабар
Барча-барча
Бўлса баробар,
Қуражакмиз гуллаган
Бахтлилар боғин!

### ГУЛИМГА

Ҳавасим ортди,
Гулимга боқиб.
Ёрим олибди,
Гулимни тақиб.

Таққан гулларинг
Чеккангда турсин.
Берган ваъдалар
Ёдингда турсин.

Ёшлик баҳоринг
Гуллар очибди.
Ёр димоғига
Атрин сочибди.

Зулфинг жингалак,
Юзингга тушган.
Гулларим ишқи,
Дилингга тушган.

Даста гулимни,
Бағрингга босдинг,
Меҳримга қониб
Ўтдек туташдинг.

Юзинг қизарди.
Қизил гулимдек
Боққанда сенга,
Икки кўзим тик.

Меҳринг оташин,
Гулда кўрайин.
Мажнунтол каби,
Сочинг ўрайин.

Бобур Мелик шод,
Боқар юзингга.
Гулим поёндоз
Босган изингга.

Бобур МЕЛИК

* * *

Дунёнинг бурчагида,
Гулида чечагида,
Оқшомлар эртагида,
Яшамоқда бир сулув.

Шарқираган сойдайин,
Ярқираган ойдайин,
Кўзгуга боқиб майин,
Яшамоқда бир сулув.

Кўзлар — кўриб маҳлиё,
Сўзлар — суйиб анбиё,
Юрти севги шаҳри-ё,
Яшамоқда бир сулув.

Тол барги тизим-тизим,
Олисдаги орзуйим,
Хаёли бермай изн,
Яшамоқда бир сулув.

Ишқда куйдим, йўқ омон,
Бўлгум адойи-тамом.
Таърифига тенг жаҳон,
Яшамоқда бир сулув

* * *

Куйган йўқдир мендайин,
Куйик жоним нетайин,
Гар бўлмасанг қошимда,
Жондан кечиб кетайин.

Қўмсаб сени ҳар дамда,
Тоқат қолмади танда.
Юрагимга қил сиғмас,
Юрсам ҳатто чаманда.

Ой тўкилади ойдин,
Мен дош берайин қайдин?
Дилда дардинг қалашар,
Кунлар ўтгани сайин.

Сой сўрайди дардимни,
Сув синайди сиримни.
Оташ бўладур олам,
Ташласам кўз қиримни.

Юрган йўлинг мендирман,
Хаёлдайин кенгдирман.
Остонангга бош қўйдим,
Мажнунларга тенгдирман.

Куйган йўқдир мендайин,
Куйган жоним нетайин?
Гар бўлмасанг қошимда,
Жондан кечиб кетайин.

Зулфия АШУРОВА

# СИРЛИГИЧА ҚОЛМАГАН СИРЛАР

Мусиқалари билан инсон қалбини забт этган машҳур немис бастакори Бетховен 1770 йилнинг 17 декабрида Бонн шаҳрида таваллуд топди. Мусиқага бўлган қобилият унга бобоси ва отасидан ўтган эди. Чунки улар қирол саройида мусиқачи бўлиб хизмат қилишган. У ўн олти ёшида Моцарт билан учрашиш ниятида Вена шаҳрига йўл олади, аммо онасининг бевақт ўлими уни сафардан қайтаради. Ўшанда отаси ичкиликка берилиб, бутун оилани боқиш ўн саккиз ёшар Бетховен зиммасига тушади. Оғир ҳаёт бўлсада, Бетховен Кристиан Готлаб Нифи ҳамда Жозеф Хайди каби кишиларга қатнаб, ўз билимини оширади. 1790 йилда "Император Жезеф" II ўлими қошида", 1803 йили "Ероика" симфониясини, 1805 йилда "Леонарде" операсини яратади.Шу билан бирга "OPUS 101"мусиқа тўплами ҳамда 1810 йилдаги"Эдмонт" мусиқаси орқали мўмайгина даромад топади.

Бетховен ўз жияни Карл билан келиша олмай, жонига қасд қилади ва у оғир аҳволда тирик қолади. Бир йил ўтгач, шу жароҳат асорати туфайли Бетховен Вена шаҳрида 1826 йил 26 март куни оламдан кўз юмади.

Бастакорнинг ўлимидан сўнг текширувлар бошланиб, унинг уйидан иккита муҳим ҳужжат топилади. Маълум бўлишича,Бетховен 1799 йилга келиб қулоғи яхши эшитмай қола бошлаган, кейинчалик 1816 йилда умуман кар бўлиб қолган экан.Лекин шундай бўлса-да, у ноталар орқали мусиқа басталайверган. Кейинги ҳужжат эса шуниси билан муҳимки, Бетховен Иммортал Беловед исмли аёлни севган ва унга 1812 йилда мактуб ёзган. Айнан мана шу мактубда Бетховен аёлларга нисбатан шахсий сирларини ошкора тарзда ифода этган.

Рустам СУЛАЙМОНОВ

# БУГУНГИ МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ

### ЎЗИ ЎТИРГАН ПАРТАНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛАДИМИ?

Рост-да, биз доим узоқ умр кўрган кишилар тўғрисида ҳавас билан гапирамиз. Бу бизнинг одатимиз бўлиб қолган. Лекин-чи, буюмлар ҳам инсон садоқати туфайли "узоқ умр" кўриши мумкин экан. Ишонмайсизми?...

Одатдаги хизмат кунларининг бирида Паркент тумани Ҳисорак қишлоғидаги 12- мактабга бордим. Мактаб ҳаёти билан танишарканман, илмий бўлим мудири Абдураҳим аканинг "қария парталаримизни қаранг" деган илмоқли гапи диққатимни тортди. Аввалига гапни ҳазилга йўйдим. Кейин эса...

Ўқитувчи Гулзора Ёқубова инглиз тилидан 9-синфга дарс ўтаётган экан. Устоздан рухсат сўраб, мақсадимни айтдим. Ўқувчилар билан суҳбат қуриб, улар ўтирган парталар тўғрисида фикрларини сўрадим.

— Эшитишимизча, бу парталарни қишлоғимиздан чиққан Ғойибназаров деган киши ясаган экан. Ростми, ёлғонми билмайман, — деди ўқувчи Севдо Раҳимова.

— Мен ҳам эшитгандим,— суҳбатга қўшилди синфдоши Ҳамид Рўзибоев.— Калон ака, Нукрам, Мулла ака каби усталар парталарни таъмирлар экан. Шунча йиллардан бери жиҳозлар асл ҳолини йўқотмабди.

— Сиз тилга олган усталар ҳали ҳам борми?

— Ҳа, уларнинг катта усталари яқинда ҳаётдан кўз юмди. Таслим, Ортиқбой, Мулла ака ҳали ҳам устачилик қилишади, — қўшимча қилди Лазиз Дўстов.

Маълум бўлишича, айни вақтда мактабда меҳнат қилаётган Мирҳожи ака Мирҳаитов, Ғойибназар Ниёзалиев каби ўқитувчилар ҳам ана шу "кекса" парталарда ўтириб, савод чиқарганлигини таъкидлашди.

— 1947 йилларда бу парталарда ўтиргандим. Ўн йил мобайнида бу парталар биз билан ҳамроҳ бўлди. Шундан бу ёғига ҳисобласак, 55 йил тўлибди. Аслида оталаримиз, акаларимиз ҳам шу парталарда ўтиришганини айтишган эди,— дея ўқувчиларнинг фикрини тасдиқлади она тили адабиёти ўқитувчиси Ғойибназар Ниёзалиев.

Кейинги 20-25 йил ичида мактабларга металлдан тайёрлаб келтирилган стол-стуллар кўпга бормай, умрини "яшаб" бўлганлигининг гувоҳи бўлганман. Ёғоч парталар мингдан ортиқ ёшларни ўз бағрига ўтказиб билим олишига кўмаклашган.

Демак, буюмга ҳам меҳр, садоқат бўлса, худди инсон сингари узоқ-умр кўриши, қанча-қанча ўқувчиларнинг ҳожатини чиқариши ўз исботини топиб турибди-да. Қолаверса, ворисларимизга аждодлар меросини асраб-авайлаш руҳини сингдирганлигимиз туфайли мазкур мактабда хотира сақланиб турибди. Бундан ўрнак олса, ҳавас қилса арзийди. Шундай эмасми?

Абдухузур ҚОРАБОЕВ, журналист

# «ИЛОЖИ БЎЛСА, ЁРДАМ БЕРИНГ...»

"Мен 1989 йил декабридан бери меҳнат ногирони ҳисобланаман. Дастлаб мен ишга лаёқатсизлигим сабабли қисман тўланадиган нафақа пули олдим, 11 йилдан бери эса ололмаяпман. Кўп жойларга ёрдам сўраб мурожаат қилдим, натижа эса йўқ. Иложи бўлса, менга ёрдам беринг".

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Жиззах шаҳри Кошғарий кўчаси 9-уй 2-хонадонда истиқомат қилувчи О. Аҳадининг ёрдам сўраб йўллаган хатини эътиборингизга ҳавола этяпмиз. Аризага илова қилинган ҳужжатлардан маълум бўлишича, бахтсиз воқеа сабабли О. Аҳади чап қўлидаги тўртта бармоғидан айрилган. Қарамоғидаги 13 ва 14 ёшли икки фарзанди, ҳеч қаерда ишламайдиган хотинини боқиш учун эса моддий таъминоти йўқ.

Ўйлаймизки, мактуб эгасига мутасадди ташкилотлар тегишли жавоб қайтарадилар.

# ЗЕҲНИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Дўстингизнинг қўлига иккита танга беринг: бири жуфт рақамли, иккинчиси тоқ рақамли бўлсин. Масалан, ўн ва беш сўмлик танга. Дўстингиз сизга кўрсатмасдан тангаларнинг бирини ўнг қўлига, иккинчисини чап қўлига олсин. Сиз унинг қайси қўлида қандай танга борлигини осон топишингиз мумкин.

Дўстингизга ўнг қўлидаги танганинг рақамини кўпайтиришни, чап қўлидаги танга рақамини эса иккига кўпайтиришни унга таклиф қилинг. Ҳосил бўлган натижаларни бир-бирига қўшиб, йиғиндисини сизга айтсин. Агар ҳосил бўлган йиғинди жуфт сон бўлса, дўстингизнинг ўнг қўлида ўн сўмлик танга, агар йиғинди тоқ сон бўлса, беш сўмлик танга дўстингизнинг чап қўлида бўлади.

Нима учун доим шундай бўлишини тушунтириб беринг.

**Жавобларингизни кутамиз.**




А. ХАКИМОВ чизган расмлар

QIZLARGA MASLAHAT

# ЛИМОНЛИ ПЕЧЕНЬЕ

260 гр. ун, 40 гр. шакар, 120 гр. сариёғ билан қориштирилади, тайёр маҳсулотга 2 дона тухум сариғи, 1 дона лимоннинг суви, 20 гр. атрофида сут аралаштирилади. Тайёр бўлган хамир тахтада ёйилиб, кичик қолипчаларга мослаб кесилади ва териб чиқилади, устига тухум оқи суртилиб, майдаланган ёнғоқ ва шакар сепилади, сўнгра қиздирилган печда пиширилади.

Наргиза ҚОДИРОВА


# «ҚЎҚОНСПИРТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

## АКЦИЯЛАР СОТИЛИШИ ВА ЖОЙЛАШТИРИЛИШИНИНГ БОШЛАНИШИНИ

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти — озуқа этил спирти

Ишлаб чиқариш қуввати (бир йилда) — 2464,2 минг дал (1дал — 10 литр)



Устав фонди — 10127692,0 минг сўм.
Акциялар сони — 10127692 дона
Битта акциянинг номинал қиймати — 1000 сўм
(ҳамма акциялар бир хил номинал қийматга эга)

Давлат улушига ажратилган акциялар — 51%
Меҳнат жамоаси улушига ажратилган акциялар — 2%
Хорижий инвесторлар улушига ажратилган акциялар — 47%

**Манзил: Қўқон шаҳри, Муқимий шаҳарчаси — 713030**
Тел: 8 —(37355) 35573, 32249, 21657, факс: 30737

Чиқарилаётган акцияларга қимматли қоғозларни идентификациялаш миллий рақамли тизимининг RU101P0306T5 миллий идентификация рақами берилди.


# СКАНВОРД

Ушбу венгерча бошқотирмада республикамиз пойтахти Тошкентнинг тарихи ва бугуни жамланган. Яъни, унинг ўн икки тарихий дарвозаси номлари ҳамда айни кундаги шаҳар ҳудудидаги ўн бир туман номи яширинган. Қани, уларни топишга уриниб кўринг-чи.

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | К | О | В | М | И | Р | О | Р | Ҳ | А | С | А | Ч | К |
| А | М | М | О | В | С | О | З | А | З | М | А | М | А | Ў |
| Л | Р | О | М | Б | О | Б | Н | О | Л | Қ | Ў | Қ | Р | К |
| И | К | Ҳ | И | И | Д | О | А | Ғ | И | Ч | Қ | А | Й | О |
| Х | Й | А | Р | Р | Й | О | Т | И | Ч | Н | О | Н | Д | Р |
| О | А | Ш | | | | | | | | | | А | С | А |
| Н | Ҳ | У | | | | | | | | | | Р | О | Қ |
| Т | О | Р | | | | | | | | | | Я | К | К |
| К | О | Б | | | | | | | | | | К | А | А |
| Е | Н | Ғ | | | | | | | | | | Б | З | С |
| Б | Ғ | А | С | З | Р | И | Л | Е | Г | Р | Л | А | Р | А |
| Қ | У | Л | У | О | К | М | И | Р | Б | Е | С | А | О | Й |
| А | Ш | Л | О | М | А | Ю | М | И | Е | С | Л | М | Й | Ў |
| А | Қ | О | Н | С | У | Н | Е | Т | К | Б | У | Т | Х | Қ |
| Р | Д | О | Б | О | Ч | О | Ғ | Ё | Ш | Е | П | А | А | Т |



Тузувчи: Масъуд ТУРСУНЗОДА

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00

1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати: Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-362-22 — 7-45-
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97,
Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Нормурод МУСОМОВ
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ